



ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЯНГИЛАНГАН КОНСТИТУЦИЯСИ ФУҚАРОЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Абдумутал Каримович Закурлаев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети Жиноят ҳуқуқий фанлар кафедраси юридик фанлар
доктори (DSc) профессор
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17937439>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 06-dekabr 2025 yil
Ma'qullandi: 11-dekabr 2025 yil
Nashr qilindi: 15-dekabr 2025 yil

KEYWORDS

янгиланган Конституция,
инсон ҳуқуқлари ҳимояси,
ҳаракатлар стратегияси,
инсон жамият ва давлат
тамойили, экология ва ҳаёт.

ABSTRACT

Мақолада Янгиланган Конституциянинг инсон ҳуқуқларини ҳимоясини таминлашда Конституциянинг кафолати масалалари ҳусида фикр юритилади

Ҳаётимиз қомуси бўлган янгиланган Конституциямиз мустақиллик йилларида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганини барчамиз яхши англаб ва уни юксак қадрлаймиз.

Айнан Конституциямизга таяниб, биз мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясини ва ундан сўнг Тараққиёт стратегиясини қабул қилдик ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун кенг кўламли ислоҳотларни бошладик. Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзараси бутунлай ўзгарди. Шаффоқлик, Эркинлик ва қонун устуворлиги, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишига айланди.

Аввало, “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган конституциявий қоидадан келиб чиқиб, халқ билан доимий мулоқот қилиш фаолиятимиз мезони этиб белгиланди, давлат идоралари раҳбарлари фуқаролар олдида ҳисобот берадиган самарали тизим йўлга қўйилди.

Давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкоралик тобора кенгайиб бормоқда. Сенатор ва депутатлар, вазир ва ҳокимлар, барча мансабдор шахслар қуйи бўғинга, маҳалла даражасига тушиб, аҳоли билан бевосита учрашиб, уларнинг муаммоларини жойида ҳал этмоқда.

Юртдошларимиз учун мамлакатнинг хоҳлаган ҳудудида эмин-эркин яшаш, уй-жой ва кўчмас мулк сотиб олиш, фуқароликка эга бўлиш, билим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиб, даромад топиш, турли давлат хизматларидан фойдаланишга оид кенг имкониятлар яратилмоқда. Энг муҳими, бундай ўзгаришларни

хар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис этмоқда.

Бундай натижаларга эришишда Конституция ва қонунларимиз талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, тиббиёт ва таълим соҳаларидаги муаммолар, мажбурий меҳнат, хусусан, болалар меҳнати, ишсизлик, камбағаллик, коррупцияга қарши кураш масалалари кенг жамоатчилигимиз иштирокида ҳал этилаётгани муҳим роль ўйнамоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жорий этилган “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари”, “маҳаллабай” ва “хонадонбай” ишлаш тизимлари дастлабки ижобий натижасини бераётганини таъкидлаш лозим. Айниқса, муҳтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар, ёшлар, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда камбағаллик мавжудлиги тан олинishi билан бирга бу халатни бартараф этиш юзасидан қатор ҳуқуқий ва амалий ҳаракатлар натижаси ҳозирги кунда ижобий самарасини бермоқда.

Мамлакатимизда сўз ва виждон эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик фикрини ифода этадиган “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш борасида муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Турли миллат ва диний конфессиялар вакилларининг ўз тили, урф-одат ва анъаналарини ривожлантиришлари учун зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Асосий қонунимизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз мантиғига мослаштириш, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланди.

Бу, айниқса, қуйидаги ҳолатларда яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, илгари амал қилиб келган “**давлат – жамият – инсон**” тамойилини “**ИНСОН – ЖАМИЯТ – ДАВЛАТ**” деб ўзгартирилиб, уни миллий қонунчилигимиз ва ҳуқуқий амалиётимизда мустаҳкамлашга дадил қадам қўйилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этишга сабаб бўлаётган ижтимоий-маиший муаммоларни ижтимоий профилактика чоралари тизими орқали ҳал этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишнинг ташкилий-профилактик асосларини замон талабларига мослаштириш, содир этиладиган қонунбузилишларнинг асл моҳиятини ўз вақтида аниқлаш ва комплекс чора-тадбирлар билан изи совимасдан бартараф этиш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизимининг самарадорлигини янада ошириш долзарб вазифа сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон [Фармонининг](#) устувор мақсадларига эришиш, шунингдек, масъул давлат органлари ва ташкилотларининг республика маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини 2025 йилда сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш чоралари кўрилди.

Жумладан жамиятда жиноятчилик каби иллатни бартараф этиш учун ҳар пайшанба куни республика миқёсида маҳалла ва жамот ташкилотларида профилактик

тадбирлар ўтказиш билан билан бирга камбағалликни олдини олиш мақсадида, ижтимоийлашув ҳаракатлари яъни жазони ижро этиш муассаларидан авф этилиб озод қилинган шахсларга моддий ёрдам кўрсатилиб уларни итимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиш учун имконият яратилиб, Махалларда ҳокимниг ёрдамчиси Аёллар билан ишлаш, қаровсиз қолган қариялар ва ижтимоий ёрдамга мухтож оилаларга моддий ёрдам кўриш мақсадида республиканинг барча махалларига ҳар йили моддий ёрдам кўрсатиш, махалларни ободонлаштириш учун давлат маблағ ажратилиб камбағалликни ва ишсизликни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Давлат раҳбари Президент томонидан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий маънавий – маърифий, кўшни мамлакатлар билан қўшничилик, тинчлик – тотувлик, ҳамжихатликда ҳамда миллатнинг тарихий қадриятларини ҳурмат қилган ҳолда халқаро аренада, ҳамдўстлик Осиё давлатлари ҳамкорлиги, Европа,Хитой, БМТ, Туркий давлатлар ҳамжамияти, ШХА Америка, Англия, Корея Индонезия ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий ҳамкорлик кенгайтирилиб ҳозирги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган мамлакатлар қаторида ўз ўрнини эгаллади.

Албатта бу ҳаракатлар аввало аҳолиси салкам 40 миллионга яқинлашиб қолган Ўзбекистонни айниқса мамлакатимиз келажаги бўлган ёшларни меҳнат қилишлари учун, келажак авлодни уй-жой ишлаб чиқариш завод фабрика энг асосийси олий маълумотли юқори даражадаги касб эгаларининг фаровон ҳаётига захирани ҳозирдан яратиш борасида сай-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Мазкур сай ҳаракатларни амалга ошириш учун энг аввало асосий қонун инсон ва тараққиётнинг асосий қомуси Конституция халқнинг яқдилликда билдирган фикр мулохазаларига бой қонун 2023 йил 30 апрел куни референдум яъни халқ овози билан қабул қилиниди.

Янгиланган Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари деб номланган бобининг 20-моддасида:Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Жумладан янгиланган қонституциянинг 21-модда.: Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт экани хусусида мажбуриятлари ҳам белгиланди.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат ҳавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин эканлиги ҳам мазмунан қонун ва қонун ости қоидалари билан тинчлик осоишталикка қаратилди..

Мухтасар айтганда, бугун Конституциямизнинг янги нормаларида асосий эътибор инсон, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилганини ишонч билан таъкидлаш мумкин. Янги таҳрирдаги Асосий Қонуннинг қабул қилиниши билан бу борада янада мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асос яратилди. Бинобарин, Янги Ўзбекистон ўзининг ушбу соҳалардаги халқаро мажбуриятларига қатъий содиқлигини яна бир бор намоён этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Янгиланган 30.04.2023 Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 ноябрда имзоланган “Экология ва туризм соҳаларида аҳоли талабларига тезкор жавоб бера оладиган бошқарув тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-217-сон Фармонинг III. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назоратни амалга ошириш банди.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сон фармони

